

*Тақдимот мавзуси:*

**Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси –  
юртимиз суверенитетининг рамзи**



Тақдимот муаллифи:

***Алиқул Раҳмонов,***

ТДИУ доценти,  
катта юрисконсулт,  
2-даражали юрист



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ



- \* Ўзбекистон Республикасининг **Давлат байроғи** 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинди.
- \* Ўзбекистон Республикасининг **Давлат герби** 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинди.
- \* Ўзбекистон Республикасининг **Давлат мадҳияси** 1992 йилнинг 10 декабрида қабул қилинди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ



## 5-модда.

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

**Қуйидаги ҳолларда  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ  
ижро этилади:**



Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш чоғида



Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Сенат ялпи мажлисларининг очилиши ва ёпилиши чоғида




Умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида




Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни — кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида — соат 24 да

# Қуйидаги ҳолларда ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ


**ижро этилади:**



Республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида



Давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистоннинг Давлат байроғини кўтариш чоғида



Расмий сафар билан Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида — тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин

**Қуйидаги ҳолларда  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ**

**ижро этилади:**



Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида — янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида



Ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ



Спорт майдонларида — Ўзбекистон чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

## ижросига қўйиладиган талаблар:



Оркестр томонидан ижро этилиши мумкин.



Хор томонидан ижро этилиши мумкин.



Ҳам оркестр ҳам хор томонидан ижро этилиши мумкин.



Ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин.



Ижро этиш вақтида овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланиш мумкин.




Вокал ёки вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилганда **тўлиқ** ижро этилади.




Чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда **қисман** ижро этилиши мумкин (ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади).

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ


## ижросига қўйиладиган талаблар:




Кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб тинглайди.




Кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди.



Мадҳиянинг ижро этилиши Ўзбекистон Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади.



Ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органиларидадир.



Ўзбекистоннинг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистоннинг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши шарт.



# ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

## Жарима (МЖТК, 203<sup>1</sup>-модда, 1-қисм):



### Фуқароларга:

ЭКИҲнинг 3 бараваригача:  
 $184\,300 \times 3 = 552\,900$



### Мансабдор шахсларга:

ЭКИҲнинг 3 бараваридан 7 бараваригача:  
 $[552\,900 \leq x \leq 1\,290\,100]$ .

Маъмурий жазо қўллангандан кейин бир йил ичида такрор содир этилса:

## Жарима (МЖТК, 203<sup>1</sup>-модда, 2-қисм):



### Фуқароларга:

ЭКИҲнинг 3 бараваридан 5 бараваригача:  
 $[552\,900 \leq x \leq 921\,500]$ .



### Мансабдор шахсларга:

ЭКИҲнинг 7 бараваридан 10 бараваригача:  
 $[1\,290\,100 \leq x \leq 1\,843\,000]$ .



# ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК



Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш  
(ЖК, 215-модда):

- ➔ **Жарима:**  
ЭКИҲнинг 25 бараваригача:  
 $184\,300 \times 25 = 4\,607\,500$
- ➔ **Ахлоқ тузатиш ишлари:**  
(6 ойдан) 3 йилгача!
- ➔ **Қамок:**  
(1 ойдан) 3 ойгача!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

*Абдулла Орипов сўзи, Мутал Бурҳонов мусиқаси*

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.  
Яшнагай то абад илм-у фан, ижод,  
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚАРОТ:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламини маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот.  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚАРОТ:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламини маҳлиё айлаган диёр!